

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳридаги Журналистлар уйда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти мавзусида семинар ўтказилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Пирамида» сўхатгоҳида «Ёшлар — келажакимиз» мавзусида тадбир ташкил этди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юрларида тахсил олаётган 120 нафар истеъодли талаба, қўмита қошидаги «Ёш журналистлар» клуби аъзолари, маҳаллаларнинг фаол йигит-қизлари қатнашди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбариятидаги ишлар ҳолати тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

● Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси Тошкентда ўтказиладиган «Мустақиллик Кубоги» халқаро олтин гран-при турнирини юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Айтиш керакки, 1-4 март кунлари дунёнинг 70 дан зиёд давлатларидан келадиган эркин ва юнон-рум кураши усталари ушбу турнир совринли ўринлари учун баҳс олиб боради.

● Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри марказида қад ростлаган «Туркистон» бола-лар спорт мажмуининг очилиш тантаналари бўлиб ўтди. 80 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган ушбу қошаonda бокс, теннис, стол тенниси, волейбол, кураш, бадий гимнастика, оғир атлетика тўғрақлари фаолият кўрсатади.

● Термиз туманида жорий йилдаги дастлабки салмоқли ижтимоий объект — капитал таъмирдан чиқарилган тугруқхона ишга тушди. Ушбу тиббиёт муассасаси замонавий тиббиёт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланди ва ўзининг лабораториясига эга бўлди.

● Жиззах Олимпия захиралари коллежида кураш бўйича ёшлар ўртасида республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 200 дан зиёд полвон иштирок этди.

● «Андижондонмахсулот» очик акциядорлик жамиятида витамин ва минераллар аралашмаси билан бойитилган ун ишлаб чиқарила бошланди. Бойитилган «Андижон-1» нави ун нархи, ранги, мазаси билан деярли фарқ қилмайди. Бироқ, аҳоли ўртасидаги камқонлик касаллигининг олдини олишда энг таъсирчан воситадир.

● Янгиариқ туманидаги 1-иктисослашган мактаб-интернатнинг ўқувчиси Анвар Ибрагимов танловнинг бошланғич босқичларида катта муваффақият қозонди ва Словенияда ўтказиладиган математика бўйича халқаро олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Ашхобода сайловчиларнинг 89,23 фоиз овозини олиб сайланган Туркменистоннинг янги Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Мамлакат Конституциясига кўра Г.Бердимухаммедов бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг раиси ва Қурултой кучларининг Олий бош қўмондони ҳам ҳисобланади ва кейинги беш йил давомида давлатни бошқаради.

● АҚШ Президентлиги курсиси учун республикачилар партиясидан курашувчи номзоднинг номи маълум бўлди. Массачусетснинг собик губернатори Нитт Ромни 2008 йилда мамлакат президентлигига ўтказиладиган сайловда ўз номзодини қўйишини расман эълон қилди.

● БМТ Бош қотибиятининг махсус вакили Мартти Ахтисари томонидан Косовонинг мақоми қандай бўлиши ҳақида тақдим этилган режани Сербия ҳукумати рад этди.

● Хитой маъмурияти мамлакатда анъанавий баҳор байрами ўтказилиши муносабати билан 17 февралдан 25 февралга қадар Қирғизистон чегарасидаги «Торугард» чегаратиш пунктини ёпиш ҳақида қарор қабул қилди.

● Жазиорнинг шимоли-шарқидида полиция участкалари олдида бомбалар портлатилди. Дастлабки маълумотларга қараганда террорчилик ҳаракати оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмди, 13 киши жароҳатланди. Ушбу хунрезликни «Ал-қоида» ташкилоти ўз зиммасига олди.

● Чехия пойтахти Прагада мамлакатда АҚШ радиолокацион станциясининг қурилишига қарши кўп миң кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Кеча Франциянинг бир нечта шаҳарларида амалга оширилган антитеррористик операция чоғида «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадор бўлган 9 киши далилий ашёлар билан ҳибсга олинди.

● Мадриддаги Григорио Маранён госпиталига тиббиёт амалиётида биринчи бор тана ҳужайралари юракка қўчириб ўтказилди. Яъни қорин атрофидаги 300 грамм ёғнинг 28 миллионга ҳужайраси катетер ёрдамида юракнинг шикастланган жойига қўчириб ўтказилди.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ
СОВРИНИ УЧУН
ЎТКАЗИЛАЁТГАН
«ТАШАББУС—2007»
КҮРИК-ТАНЛОВНИ
ЧИНАКАМИГА ЎЗ
КУЧИГА
ИШОНГАНЛАР,
ИҚТИСОДИЙ
РАВНАКИ ЙЎЛИДА
ИЗЛАНАЁТГАНЛАР,
ЯНГИЛИК ЯРАТИБ,
НОМ
ТАРАТАЁТГАНЛАР,
ХАЛҚ АМАЛИЙ
САНЪАТИ
ЙЎНАЛИШЛАРИДА
МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ
ЎЗ ХУНАРЛАРИ
БИЛАН
ЭЪЗОЗЛАЁТГАНЛАР
БЕЛЛАШУВИ ДЕСАК,
АСЛО МУБОЛАҒА
БЎЛМАЙДИ.**




«Ташаббус — 2007»

ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАНЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Бу пойтахтимиз туманларида ўтказиладиган кўрик-танловда ҳам яққол ақсини топмоқда. Кўрик-танловнинг Юнусобод туман босқичи Марказий Офицерлар саройида бўлиб ўтди. Унда 7 нафар тадбиркор ва 6 нафар хунараманд «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши хунараманд» номини кўлга киритиб, танловнинг шахар босқичида қатнашиш учун ўзaro куч синашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 4,5 мингдан зиёд тадбиркор фаолият кўрсатаётган ушбу туманда бугунги бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва хусусий бизнес ривожига мўҳим улуш қўшаётганлар сифатида бормоқда. Бунинг асосий боиси эса уларга берилган катта имкониятлар, ҳуқуқий кафолат ва имтиёزلардан оқилона фойдаланишдир. Кўрик-танловнинг туман босқичи жорий йилда ҳам ўз хусусиятига эга бўлиб, янги тадбиркор ва хунарамандларни кашф этди. Уларнинг деярли барчаси «Ташаббус»да илк бор иштирок этишмоқда.

—Тадбирда биринчи бор қатнашаётган бўлсакда, таассуротларимиз жуда яхши,— дейди ўзининг трикотаж хом ашёсидан тайёрланган замонавий либослари билан харидорларига эга бўлиб бораётган «GRAND APEX» масъулияти чекланган жамияти директори Анвар Рустамов.—Албатта, тадбиркорларни бундай рағбатлар, кўрик-танловлар биллаштиришда, тажрибаси ортди, янгиликка ундайди. Хар бир иштирокчининг фаолияти билан танишиб, мулоқотда бўлар эканман уларда интилиш, янгиликка ўқликни кўраётганман. Ҳаммага омад тилайман.



Кўрик-танловни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Садриддин Ҳакимов очиб, иштирокчиларнинг ҳаракати ва маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сўнгра иштирокчилар уч босқичдаги шартлар бўйича ҳайбат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Аввало, кўргазмага қўйилган махсулот ҳамда хунарамандчилик буюмларидан завқ олган меҳмонлар 2-босқичда

иштирокчиларнинг фаолиятлари ҳақидаги чиқишларини, 3-босқичда эса тест саволларига жавобларини тингладилар.

Жумладан, туманда фаолият кўрсатаётган «Элоти» масъулияти чекланган жамияти сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнига эга бўлса, «GRAND APEX» корхонаси маҳаллий хом ашёдан экспортбон трикотаж кийим-кечаклари тайёрлаб, хориж бозорини кўзлаётди. Хунари гўзал сандиксоз Рустам Қосимов ота-боболари ишини давом эттираётган бўлса, лок



миниатюраси устаси Анвар Маликов яратган буюмлар халқаро кўргазмаларда муваффақият қозонмоқда. Қўйинги, барча иштирокчилар ҳақида ана шундай илк гапларни айтиш мумкин. Уларнинг барчаси мустақил юртимиз равнақи йўлида изланмоқда.

меҳнат қилмоқда, ташаббус кўрсатмоқда. Барча шартлар бўйича беллашув ниятисига ётган, кўрик-танлов ҳайъати аъзолари белгиланган ўринлар ва номинациялар бўйича голибларни томошабинларнинг олишлари остида эълон қилди. Биринчи ўринга сазовор бўлганлар —«Шарк-пласт-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мурод Пулатов «Энг яхши тадбиркор», сандикчи ва миниатюрчи расом Рустам Қосимов эса «Энг яхши хунараманд» номини кўлга киритиб диплом ҳамда кимматбаҳо совға билан тақдирланди. Шунингдек, 2,3-ўрин соҳиблари ва «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши экспортчи» номинацияси бўйича голиблар аниқланиб, уларга ҳам диплом ва саздалик совғалари топширилди. Бундай рағбатдан илҳомланган иштирокчилар кўрик-танлов ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, янгилик яратишдан, изланишдан асло чарчамасликларини изҳор этишди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: туманда бўлиб ўтган
кўрик-танловдан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2007 йил 12 февраль

2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, 2006 йилда:

— иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди — ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 10,8 фоизга, истеъмол товарлари — 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,2 фоизга, пулли хизматлар — 19,3 фоизга, пулрат қурилиш ишлари — 12,8 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захиралари 1,6 баравардан зиёд ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз микродоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 6,8 фоизгача пасайди;

— инвестиция муҳити яхшиланди, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламлиги ўсиб, ҳажми 25,4 фоизга кўпайди. Инвестициялар умумий ҳажмининг 68,3 фоизи ишлаб чиқариш секторига жалб этилди, технология паркни янгиллашга ва янги асбоб-ускуналар сотиб олишга жами инвестицияларнинг қарийб 50 фоизи йўналтирилди;

— қишлоқ хўжалигида, чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. 2006 йилда 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди, уларнинг ярмидан кўпроги мева-сабзавотчилик йўналишидадир. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга иқтисослаштирилган қарийб 200 та агрофирма ташкил қилинди;

— ташқи иқтисодий фаолият кўламлиги ўсди, товар маҳсулотлар экспорти ҳажми 31,5 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди;

— аҳоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этишнинг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётганларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 22 фоизга кўпайди. 2006 йилда 570 мингдан ортиқ иш ўринлари, шу жумладан қасаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш ҳисобига 60 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди;

— таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умумийлик дастурларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. 2006 йилда 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди, 61 та янги мактаб қурилди, 385 та мактаб мукамал реконструкция қилинди ва 530 та мактаб таъмирланди.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан

банд этиш муаммоси кескинлигича қолмоқда, корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни етарли суръатларда бормаяпти, асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси юқорилигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини, энг аввало, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг наслдор чорва моллари ва озуқалар, шунингдек зооветеринария хизмати билан таъминлаш муаммолари су-стаклилик билан ҳал этилмоқда.

Фонд бозорига ва кимматли қоғозлар бозорига ишларнинг аҳоли қониқарсизлигича қолмоқда, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқариш тизимида жиддий камчиликлар мавжуд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик потенциални тўлиқ даражада очилмаган ва сафарбар қилинмаган, унинг тузилмаси ва техник жиҳатдан жиҳозланганлик даражаси ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви давом этмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва сифати аҳолининг ортиб бораётган талабига мувофиқ эмас. Уй-жой ва коммунал хўжалигини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тизими янада ислох қилишни талаб қилади.

Банкларнинг капиталлашув даражаси паст, банк хизматлари бозорига рақобат мавжуд эмас, банклар ўз капитали билан инвестиция жараёнида сўт қатнашмоқда.

2. Қуйидагилар 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Биринчидан, барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини, иқтисодий таркибин ўзгартириш ва модернизация қилишни, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технология жиҳатдан янгиллаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлаш;

Иккинчидан, бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун мумкин қадар қулай шартлар яратиш ва давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш;

Учинчидан, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан қўлайтириш;

Тўртинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуши сифатини изчил оширишни таъминлаш;

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини Янгиликлар, воқеалар

Кичик сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иш-тирокида ўтказилган тадбир шоир ва саркарда Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 524 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат санъат институтида мутафаккир шоирлар Алишер Навоий ва Заҳриддин Мухаммад Бобур ижодида бағишлаб уюштирилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, шоирлар ва адиблар иштирок этишди.

● **КЕЧА** шаҳримизда «Гиевандликка қарши кураш ойлари» доирасида Тошкент

Давлат тиббиёт академиясида талабаларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан учрашуви уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат автотомобиль йўллари институтида **КЕЧА** талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати жинс-ятчилиқ ва гиевандликка қарши кураш масалаларига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат авиация институтида **КЕЧА** талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида гиевандлик ва ОИТСга қарши курашда ёшларнинг ўрни масаласига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида белгиланганидек, «Хар бир шахс беғосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқиши шарт».

Ана шу норма асосида қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиз фуқароларининг мурожаат қилишга бўлган конституци-

явий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари ҳамда механизмни мустаҳкамлаб берди.

«Фуқароларнинг мурожаатларида доир ишларни тақомиллаштириш масалалари» мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатига муҳокама предмети бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари шуни таъкидладиларки, вазириликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси қонунининг нормалари талабларига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатларини вақтида қўриб чиқиш юзасидан анчагина иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари баъзан бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шартлар аниқланмоқда ҳамда уларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Ариза-мурожаатларни қўриб чиқиш натижалари ҳақида ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида муаллифларга ёзма равишда хабар қилинмоқда, иш юритиш тегишли тартибда илҳол боришмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг
ҚАРОРИ

2007 йил 12 февраль

2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни
чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

(Давоми.Боши 1-бетда)

олтинчидан, банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш;

еттинчидан, коммунал хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Белгиланган устувор йўналишларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қарор қабул қилинди:

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда 2006 йилда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларида, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳамда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини танқидий таҳлил қилсинлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб 2007 йилда уларни бажаришини аниқ муддатларини ва маъсул бажарувчиларини белгиланган ҳолда комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсинлар, шунингдек уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилсинлар.

Белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

4. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Марказий банк (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2007 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий параметрларига, тасдиқланган моддий ва қиймат баланслари кўрсаткичларига, иқтисодиётнинг мўлжалланган таркибий ўзгаришларига сўзсиз эришиш бўйича тизимли мониторинг олиб борсинлар ва ишларнинг самарали мувофиқлаштириб борилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил иқтисодий дастурининг амалга оширилиши бўйича ишлар аҳолини, биринчи навбатда, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга, молия-пул параметрларига ва инфляция даражасига эришилишини, дебиторлик-кредиторлик қарзлар билан боғлиқ ҳолатни ҳар ойда кўриб чиқсин.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июндаги ПҚ-375-сон қароридида белгиланган мақсадли комплекс дастурларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чорақда эшитиб бориш мажбурий ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Давлат статистика қўмитаси (Қудратов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилда умуман республика бўйича белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлайдиган ўсиш омиллари ва резервларини ҳисобга олган ҳолда, 2007 йил учун республика ҳудудлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ва бошқа асосий кўрсаткичларни ўн кун муддатда чуқур таҳлил қилсинлар ва уларнинг ҳисоб-киتابларини тайёрласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Марказий банк (Муллажонов) тегишли уюшмалар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда 2007-2011 йиллар даврида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини 2007 йил 1 майгача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ўз ишлаб чиқариш базасини доимий модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг амалга ошираётган корхоналар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарали тизимини яратиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Мирзиёев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Кобилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007-2011 йилларда қишлоқ хўжалигида таркибий қайта ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг мамлакатдаги барча минтақаларни қамраб олидиган ҳамда қишлоқчи юксалтириш комплекс чора-тадбирларини, шу жумладан қишлоқчи ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун зарур молия, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини назарда тутувчи комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бозор механизмлари ва иқтисодий методларини кенг жорий этиш, чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, насли-

лик ишларини, зооветеринария хизматлари кўрсатишни, чорва озуклари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадларини ва турмуши сифатини оширишга йўналтирилган кичик бизнесни, тадбиркорлиқни, касаначиликни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ҳамда замонавий техника билан жиҳозланган, хомашёни, айниқса чорвачилик ва мевса-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича кичик хусусий корхоналарни қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Марказий банк (Муллажонов), Халқ таълими вазирлиги (Жўраев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Қурбонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Назирова), Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси (Файзуллаев), «Ўзбектуризм» компанияси (Ҳакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини танқидий кўриб чиқсинлар ва унга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритсинлар. Дастурда 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизгача етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этиш, ушбу соҳанинг аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилсин.

Дастурнинг бажарилиши ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Республика йўл ҳамғармаси (Жўлибеков), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилгача бўлган даврда автомобиль йўллари ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий логистика марказларини шакллантириш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

11. Республика тендер комиссияси (Азимов), Давлат мулк қўмитаси (Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

йирик, стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат активлари ва акциялари пакетларини, шу жумладан давлат акцияларининг назорат пакетларини, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ушбу корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришга замонавий менежментни жорий этишни назарда тутувчи аниқ инвестиция мажбуриятлари остида асосан хорижий инвесторларга хусусий мулк қилиб сотиш рўйхатини тубдан кенгайтирган ҳолда амалдаги 2006-2008 йилларда Хусусийлаштириш дастурини қайта кўриб чиқсин;

иқтисодий ночор акциядорлик жамиятларига нисбатан банкротлик механизмининг фаоллаштириш ҳамда уларни кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан хусусий инвесторларга сотиш бўйича таклифлар киритсинлар.

12. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Давлат мулк қўмитаси (Мусаев) уюшмалар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда трансмиллий корпорациялар билан кооперация алоқаларини кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ деб топиладган эса улар таркибига кириш бўйича таклифларни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шаиматов, Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси (Аҳмедов):

бир ой муддатда «Қўқудумалоқ» қонидаги ишларнинг аҳолини танқидий ва муфассал ўрганиб чиқсинлар, суяқ углеводородлар қазиб олишни барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

углеводород хомашё заҳиралари уни қазиб олиш даражасига нисбатан жадал ўсишини таъминлайдиган геология-кидирув ишларини олиб бориш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар. Хорижий инвесторлар томонидан олинган мажбуриятлар бузилган тақдирда маҳсулот тақсими тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш ҳақида таклифлар киритилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев Адлия вазирлиги (Отахонов), Олий ҳўжалик суди (Ишметов)нинг жалб этган ҳолда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, бизнеснинг ихтиёрий ёпилиши ва тугатилиши тартиб-қоидасини тартибга солишни, фаолиятнинг айрим турлари билан шўғулланиш ҳуқуқига турли рухсатномалар ва лицензиялар бериш амалиётини кескин қисқартиришни, шунингдек Суд қарорлари ижроси департаменти фаолияти самарадорлигини оширишни икки ой муддатда танқидий ўрганиб чиқсин ва улар бўйича қонунчиликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган янги қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев, Гадов), Давлат божхона қўмитаси (Носиров):

Солиқ академияси ва Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини ташкил этишни яхшилаш, ўқитиш ва тарбиявий ишлар даражаси ва сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагоглар таркибининг солиқ ва божхона органларида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йил 1 майгача бўлган муддатда ахборот берилсин;

шахсий таркибга нисбатан талабчанликни оширсинлар ва улар ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтирсинлар, солиқ ва божхона органларини ихтисослаштирилган ўқув юрларида ўқиган, юқори малакали, профессионал жиҳатдан тайёр, ҳалол, ўз ишига содиқ ва маъсул яхши ходимлар билан тўлдиришни таъминласинлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Отахонов), Бош прокуратура (Қодиоров), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров) сифатсиз спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарилганини ёхуд улар республикага олиб кирилганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

17. Молия вазирлиги (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) ва Марказий банк (Муллажонов) билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига бошқа тўловларни тегишли равишда қўлайитириш ҳолда 2010 йилга бориб ўртача иш ҳақи 2,5 барабар барқарор ошишини таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар бўйича асосли таклифларини бир ой муддатда тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат статистика қўмитаси (Қудратов), Адлия вазирлиги (Отахонов) амалдаги қонун ҳужжатларига ҳудудлар бўйича меҳнат билан банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга мўтжоз аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиш методикаси бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

19. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов) Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат мулк қўмитаси (Мусаев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни янада рағбатлантириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Ҳукумат қарори лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилсин:

кичик бизнес ва тадбиркорлиқнинг ўрни ва ролини қатъий ва изчил ошириш, 2010 йилга бориб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50-52 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини қўлайитириш;

кичик бизнеснинг техник ва технология тузилмасини яхшилаш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларга жадал ўтиш, бозор талаби ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар, ихчам ва мослашувчан технологиялар билан жиҳозлаш;

машинасозлик ва металлга ишлов беришда, энгил саноатда, айниқса трикотаж, тикув ва пойабзал саноатда, шунингдек қурилиш материаллари саноатда кичик корхоналар ташкил этиш қўламларини кенгайтириш;

кичик бизнесда юқори профессионал интеллектуал меҳнатдан кенг фойдаланиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини жорий этиш.

20. Адлия вазирлиги (Отахонов), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Кобилов), Савдо-саноат палатаси (Шайхов) Бош прокуратура (Қодиоров) билан биргаликда бир ой муддатда давлат назорат органларининг корхоналар ҳўжалик фаолиятига ноконуний аралашшига уринишларини маъмурий ва суд тартибда жазоланиш қатъийлаштириш юзасидан

қўшимча чора-тадбирлар қўриш бўйича, уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқиш учун, таклифлар киритсинлар.

21. Молия вазирлиги (Азимов) аудиторлик фаолияти ва суғурта соҳасидаги ишларнинг аҳолини, шунингдек умуман молиявий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини танқидий баҳолаш ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига фаолиятнинг ушбу турларини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

22. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Давлат мулк қўмитаси (Мусаев) тижорат банклари ва лизинг компаниялари билан биргаликда бир ой муддатда банкларга бўлган ишончини ошириш, банк-молия тизимида ислохотлар қўламларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Комплекс тадбирлар қуйидагиларга йўналтирилсин:

устав сармояларини қўлайитириш ҳисобига банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар қайтариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш;

инвестиция жараёнида, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда банкларнинг ўз сармояси билан кенг иштирок этилишини таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, миқозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш;

мини-банклар тармоғини ва банклар томонидан қўрсатилдиган хизматлар доирасини кенгайтириш, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

23. Марказий банк (Муллажонов) Адлия вазирлиги (Отахонов), Давлат мулк қўмитаси (Мусаев), бошқа манфаатдор идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликни танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда молия-саноат қўрилари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантиришга доир аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (Ханов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Ашрафхонев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмухамедов) «Саноаттехназорат» давлат инспекцияси (Холматов), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Коммунал соҳани янада ислох қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, буғқозонларни ва иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ихчамлаштиришга; ширкатлар билан коммунал ва таъмирлаш қурилиш хизматлари қўрсатаётган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга; истеъмолчиларни иссиқлик ва сув билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш учун иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг маъсулиятини ошириш ва уларни рағбатлантиришнинг аниқ механизминини жорий этишга; ёқилгининг муқобил турларини қўллаган ҳамда маънавий эскирган тежамсиз буғқозонларни алмаштириш ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг маҳаллий тизимларига босқичма-босқич ўтишга алоҳида эътибор берилсин.

Мазкур топшириқнинг бажарилиши 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида танқидий муҳокама қилинсин.

25. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, ноҳукумат жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бўлимлари ва бандлари белгиланган муддатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрсинлар. Бунда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг аниқлигини, табақалаштирилишини ва самарадорлигини оширишга, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими органлари фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилсин.

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Дастурга киритилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва унинг натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ҳар чорақда кўриб чиқсин.

26. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИДА

(Давоми.Боши 1-бетда)

Тадбирда фуқароларнинг муурожаатлари билан олиб борилаётган ишлардаги мавжуд камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Чунончи, Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларида мазкур масала 2006 йилнинг декабрида ўрганилганда Қонуннинг фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда муурожаат этганларга ёзма равишда жавоб юбориш муддатларига, тааллуқлилик қондаларига доир талабларини бузиш ҳоллари, шунингдек, муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан лозим даражадаги назорат йўқлиги аниқланди. Юқорида зикр этилган минтақаларда мазкур Қонун нормалари бузилганлигига оид айрим фактлар бўйича прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди.

Анжуман иштирокчилари фуқароларнинг муурожаатлари билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш, «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг ижро этилишига доир чораларни қучайтириш, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, мансабдор шахсларнинг бу борадаги маъсулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича ва муфассал тарзда муҳокама этдилар. Ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини яхшилашга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши олдини олишга, ана шу масалаларда мазкур Қонун нормаларининг талаблари оғишмай бажарилишини таъминлашга қаратилган биргаликдаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Баҳс-мунозаралар мобайнида давра суҳбати иштирокчилари «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш механизминини янада такомиллаштиришга, вазирлик ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг муурожаатлари билан олиб бориладиган ишлари шакл ва усулларини сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган таклифлар билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Йиғилишда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, халқ депутатлари Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақавий тадқиқотлар институти, Тошкент Давлат юридик институти, ИИВ Академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Ижтимоий фикр» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН —
ГЕРМАНИЯ
БИЗНЕС ФОРУМИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, компания ва корхоналари раҳбарлари ҳамда ГФР Иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар департаменти директори ўринбосари Франк Вайзиг бошчилигидаги қирққа яқин немис ишбилармонидан иборат делегация иштирок этди.

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ёмон била яхши аросида фарқдир,
Икки кеманинг учин тутган фарқдир.

Ёмонларга шиор ва яхшиларга андин ордур.

Ёяр анга суфраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.
Қорни тўққа дастурхон ёзиб,
Эгни бутга тўн кийгизади.
Ёреки, тегар бировга озори анинг,
Ақл олдида тенгдурур йўку бори анинг.
Бировга озор берувчи дўстнинг ақл қошида бору
йўғи баробардир.

Ёшурун қолмас ўғрулуқ уй ароким бўлса ёш.
Ёш болалик уйда ўғирлиқни бекитиб қолиб
бўлмайд.

Ёр улдурки, ҳар нечаким ўзига
Истамас, ёрига ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мунда шарик айламагай.

Ёлгонни чиндек айтқувчи суҳанвар—қумушни
олтун рўқаш қилувчи заргар.
Ёлгонни ҳақиқатга ўхшатиб айтувчи сўз устаси
қумушни олтин деб алдовчи заргарга ўхшайди.
Ёлгон айтгучи гафлатдадур.

Ёлгончи сўзин бир-икки қатла ўтқаргай, ўзга нет-
гай? Ёлғони зоҳир бўлгондин сўнгра анга расволиғ
етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

Ёлгончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи
қабихроқ.
Ёлгончи ҳар қанча ёқимли сўзламасин, унинг
сўзи хунукдир.
Ёлгон сўз жуз назмда нописанд ва анинг
қойили нохирадманд.

Ёлгон сўз фақат шеърдагина ўзини оқлайди ва
нодонгина ёлгон сўзга қойил бўлади.
Ёлгон ўлса мулоямотимиз,
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.
Кишини даҳшатга солувчи чин сўздан мулоим-
лик билан айтилган ёлгон афзал.
Ёзилган нуктани тағйир қилмоқ.
Эрур сув узра хат тахир қилмоқ.
Тақдир ёзувини ўзгаришир сувнинг устига хат
ёзишга ўхшайди.

Ёрки, ойини айнан вафо йўқ анго,
Шамъ кибиатурки, зиё йўқ анга.
Вафосиз ёр зиёсиз шамга ўхшайди.
Ёрсиз эл охи ғамдуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғиз, иши дуд эрур.
Кимсасиз кишилар чеккан оҳ жуда қайғулидир,
зеро, ёлғиз ёғочни ёкса, фақат тутайди.
Ёр улдурким, тилию кўнгли анинг бўлса бир,
Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас.

Ёшурди одам агар Тенгри сиррини, кўрунгуз—
Ки, халқ сиррини тутмас ниҳон бани одам.
Оллоҳ сирларини кўнглига яширган одам авлод-
лари энди бир-бирининг сирини пинҳон тутолмай-
ди.

Ёрнинг манзили жон ичраю сен ани тилаб,
Озми Каъба — ажаб қатъи масофатдур бу!
Оллоҳ кўнглинда макон тутган-у, сен бўлса, уни
излаб Каъбага борасан — бу не ғаройиб сафар-
дир!

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.

Ёмон тиллиг андоққим эл кўнглига жароҳат ет-
карур, ўз бошига ҳам офат етқарур.

Ёгиндин гар булут етқурмасе суд,
Ҳавода улҳамону бир қалин дуа.
Агар булут ёғиб ёғдириб, баҳра етқазмаса, у
нимаю осмонни қоплаган қалин тутун пардаси нима?

Ёлгончи киши эрмас,
Ёлгон айтмоқ мардлар иши эрмас.
Ҳаҳон илмики, букун менга ёд эрур,
Анга борча жаҳл ахли устод эрур.

Мен дунёдаги барча илмларни эгалладим, бу
ишда менинг ўқитувчим ҳар соҳадаги жоҳиллар
бўлди.

Жаҳл ахли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг оғат бўлғай.
Ҳар кимнинг улфати билимсиз — жоҳил бўлса,
бундай улфатчиликда кўп офатлар бўлиши мумкин.

Жоҳу мол ахлида йўқ меҳру вафо,
Бас, менга меҳру вафо мол ила жоҳ.
Подшоҳларда ва молдорларда меҳру вафо
йўқдир, мен учун улғу давлат — молу дунё ўрнида
вафодорлик ва меҳрибонлик бўлса бас.

Жунуним манъ қилдинг ул пари ишқиди,
э носих,
Киши девона бўлса яхшироқ юз қатлаким,
аблах.

Эй насиҳатчи, унинг ишқиди девоналигимни ман
қилма, чунки девоналик аблахликдан юз марта
яхши.

Жаҳлимиз кўптин-кўпу илм оздин-оз.
Жоҳиллигимиз кўпдан-кўпу илмимиз
оздан-оз.

Жафоларким, менинг жонимга етмиш даҳр
халқидин,
Бири куффордин келмас асир ўлгон
мусулмонга.

Бу дунё ахлидан менинг жонимга етган жафо-
лардан биттасини ҳам кофир ўзи асир қилган му-
сулмон бошига солган эмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СПОРТИ БЎЛМИШ КУРАШНИНГ
ЖАҲОНДА ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНИШИДА
2000 ЙИЛДАН БЕРИ БҲЮК БРИТАНИЯДА ЎТКАЗИБ
КЕЛИНАЁТГАН ИСЛОМ КАРИМОВ ХАЛҚАРО
ТУРНИРИНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС БЎЛМОҚДА.
ҚИРОЛЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА БУ ЙИЛ/25
ФЕВРАЛЬ/ ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ЕТТИНЧИ
АНЪАНАВИЙ ИСЛОМ КАРИМОВ ХАЛҚАРО
ТУРНИРИ АВВАЛГИЛАРИДАН АҲАМИЯТИ ВА
САЛОҲИЯТИ ЖИҲАТДАН АНЧА БАЛАНД
БЎЛИШНИ МУСОБАҚА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ
БЎЛГАН БҲЮК БРИТАНИЯ КУРАШ
АССОЦИАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ
ТАЪКИДЛАШМОҚДА.

МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗНИНГ ЕВРОПАДАГИ ТАНТАНАСИ

Буюк Британия Кураш Ассоциацияси президенти Тим То-
моснинг Кураш Халқаро Ассоциацияси матбуот хизматида бил-
диришича, ўтган йиллари Ислам Каримов турнирида Европа-
нинг 10 дан ошми мамлакатлари иштирок этган бўлса, бу йил
кўнча кўпнинг деярли барча мамлакатларидан кураш уста-
ларининг қатнашиши кўтилмоқда. Айниқса, Европа мамла-
катлари ёшлари билан биргаликда фахрийлар ҳам Ислам
Каримов турнирининг голиблиги учун курашиш истагини бил-
диришаётгани ва бу турнирга қизғин ҳозирлик қўришаётгани
кураш барча учун қўлай спорт тури эканлигидан далолат бер-
моқда.

Тим Томоснинг таъкидлашича, Ислам Каримов халқаро тур-
нирининг географияси йилдан йилга кенгайиб бораверади.
Бугунги кунда бу мусобақа ёш полвонларни қашф этаётган
бўлса, яқин келажақда Ислам Каримов турнирининг нуфузи
жаҳатдан Олтин кубок ўйналаётган футбол стадионларида ўт-
казиш даражасига кўтарилди. —Қўлаётган ишларимизнинг асо-
сий йўналиши шунга қаратилган, — дейди Тим Томос.

Буюк Британияда ўтказилаётган ушбу турнирнинг очилиш
ва мусобақа голибларини тақдирлаш маросимларида мамла-
катнинг қатор мансабдор кишилари, шаҳар раҳбарияти, Бри-
танияда фаолият юритаётган давлатларнинг дипломатик кор-
пус вакиллари қатнашишади. Мусобақаларни Буюк Британия
оммавий ахборот воситалари бевосита ёритиб боради. Бу
борада Ислам Каримов халқаро турнири таъкилий кўмитаси
қошида махсус матбуот хизмати ташкил этилган.

Ҳа, футбол ватани ҳисобланмиш туманли Альбиондаги ку-
раш турнири Европа орқали дунёга ўз ҳароратини, кураш-
нинг жоҳибасини тортиқ этади. Буюк Британия Кураш Ассо-
циацияси азалий қадриятимиз бўлмиш курашнинг дунёдаги
салобатини мустаҳкамлаш орқали миллатнинг жоҳифдо фар-
зандига ўз эҳтиромини билдираётганини олам аҳлига кўз-
кўз этади. Бу, биз дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг,
кам бўлмаслигимизнинг далолатидир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

НИГОРА СОВРИНДОРЛАР ҚАТОРИДА

БАНГЛАДЕШДА ТЕННИС БЎЙИЧА
ЎСМИР ҚИЗЛАР ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО
ПТФ ТУРНИР ЯКУНИГА ЕТДИ.

Унда иштирок этган юртдошимиз Нигора
Сирожиқдидова финалгача муваффақиятли
ҳаракат қилиб, хал қилувчи учрашувда ра-
қибига имкониятнинг бой берди. Айтиш жо-
изки Нигора мавсум бошидан буён Ҳиндис-
тон ва Бангладешда ташкил этилган олти
халқаро турнирда қатнашиб, деярлик бар-
часида голиб ва совриндорлар қаторидан
жой олди.

«Туркистон-пресс»

Санъат

КИНОҲУЖЖАТЧИЛАР ТОРТИФИ

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-
ОММАБОП ВА ҲУЖЖАТЛИ
ФИЛЬМЛАР СТУДИЯСИ
ЎЗИНИНГ БИР ЙИЛЛИК
ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ
ҚИЛДИ. ЧИНДАН ҲАМ 2006 ЙИЛ
СТУДИЯ УЧУН САМАРАЛИ
БЎЛДИ.

Мамлакатимизда нишонланган му-
ҳим саналарга бағишланган экран
асарлари ҳам муваффақиятли чиққан-
лигини айтиб ўтиш жоиздир. «Улар
Германияда ўқиган эдилар», «Беҳзод»
каби ҳужжатли ленталар ҳам қизиқиш

билан томоша қилинмоқда. Хоразм
Маъмур академиясининг минг йилли-
ги ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ҳам
студия фондидан ўрин олди. «Рўзи Чо-
риев хотиралари», «Актриса» сингари
картиналар санъат арбобларига ба-
ғишланди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа экран
асарларининг юзага келишида студи-
янинг изланувчан режиссёр ва тасвир-
чиларининг хизмати катта бўлди.

Янги йилда ҳужжатчи кино режис-
сёрлар 20 га яқин фильмни суратга
олиб, томошабинларга тақдим этади-
лар.

(Ўз муҳбиримиз)

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

ПОЙТАХТДАГИ
РЕСПУБЛИКА
КИНОЧИЛАР УЙИДА
ЯНГИ «ВИЖДОН»
ФИЛЬМИНИНГ
ТАҚДИМОТИ
МАРОСИМИ БЎЛИБ
ЎТДИ. ФИЛЬМ ЁШ
РЕЖИССЁР СОҲИБ
АББОСХОН
ТОМОНИДАН
СУРАТГА ОЛИНГАН.

Янги фильмнинг мав-
зуси жамоатчиликда катта
қизиқиш уйғотгани боис
тақдимот маросимига кел-
ган мухлислар жуда кўпчи-
лиқни ташкил қилди. Кар-
тина ижодкорларини мух-
лислар илиқ қутиб о-
лишти. Фильм режиссё-
ри Соҳиб Аббосхон маз-
кур фильм асосида ўзбек

халқининг маънавий, ма-
даний қадриятлари ётган-
лигини алоҳида таъкидла-
ди. Рустам Жабборов қис-
саси асосида яратилган
сценарий бугунги кун учун
долзарб бўлган умумин-
соний муаммоларни акс
этитиради. Одамлар ораси-
даги меҳр-оқибат ва соф-
диллик фильмда асосий
мавзу бўлиб кўтарилган.

Фильмдаги бош рол-
лари Жаҳонгир Фозил-
жонов, мухлисларга
«Кўларинг маънос» филь-
ми орқали таниш бўлган
Ойдин Юсупова ижро эт-
ган.

— Мазкур фильмда
Дилфуза образини ижро

этим, — дейди тақдимот
маросимида сўзга чиққан
Ойдин Юсупова. — Жуда
ҳам содда, кўнгли очик,
огир, босиқ характери
қиз образи тарбиявий
аҳамияти билан ажралиб
туради.
«DAVR-S» студияси то-
монидан суратга олин-
ган янги фильмда акс эт-
ган мавзу, ундаги воқе-
алар, иштирок этган ак-
тёр ва актрисалар мух-
лисларни бефарқ қол-
дирмайди. «Виждон»
фильми республика Ки-
ночилар уйида намойиш
этилмоқда.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ГОЛИБЛАР МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

ИККИ КҲН ДАВОМИДА
ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО»
СПОРТ МАЖМУАСИ ЗАЛИДА
«ДИНАМО» ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ-СПОРТ ЖАМИЯТИ
СПОРТЧИЛАРИ ЎРТАСИДА
ДЗЮДО БЎЙИЧА ОЧИҚ
САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ
БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнир давомида Ўзбекистон че-
пионатида иштирок этадиган энг куч-
ли курашчилар саралаб олинди. 60,
66, 73, 81, 90, 100 килограммгача
ва юз килограммдан ортки, мутлақ
вазн тоифалари бўйича ўтказилган

саралаш мусобақаларида Чирчиқ шаҳ-
рида кучлилар ўртасида беллашиш
ҳукуқини қўлга киритиш юзасидан
шиддатли беллашувлар бўлиб ўтди.

Мухлислар ва мутахассислар икки
кун давомида кўплаб кескин ва му-
росасиз беллашувлар, чиройли
қўлланган усуллари, ажойиб ғалаба-
ларнинг гувоҳи бўлишди. Айниқса, 60
килограммгача вазн тоифасида
Илҳом Сотволдиевга тенг келадиган
спортчилар топилмаганлигини таъ-
кидлаб ўтиш жоиз. Дўстмуҳаммад
Ҳамроев билан бўлиб ўтган финал уч-
рашувида у рақибни устидан бир
дақиқа ичида соф ғалабага эришиб,
турнир голиблари қаторидан ўрин

олди.


73 килограммгача вазнда Ш.Арс-
лонов, 81 килограммилар ўртасида
эса Руслан Ражабовлар ҳам голиблар
сафини бошқаришди.

Ербоп Рустамов, Илҳом Холмама-
тов, Вячеслав Перетейколар ҳам ўз
вазн тоифаларида биринчи ўринлар-
ни эгаллашди.

100 килограммдан юқори вазн то-
ифасида эса машҳур чемпион Абдул-
ла Тангриевнинг ғалабасини мухлис-
лар олқишлар билан қутиб олишди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: очик саралаш
турниридан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар



ПОЙТАХТЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР— БИРИНЧИ

ҚАРШИ ШАҲРИДА ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА АЁЛЛАР
ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ
МУСОБАҚАЛАРИ МУРОСАСИЗ КУРАШЛАРГА БОЙ,
ҚИЗИҚАРИЛ КЕЧДИ.


Ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Фар-
ғона воҳаси жамоалари иштирок этишди. Мусобақалар якунида
эса турнирга пухта ҳозирлик қўриб барча учрашувлари ғалаба
билан аяқлаган Тошкент шаҳрининг «Тумарис» жамоаси би-
ринчи ўринни қўлга киритди ва Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлди.
«Тумарис» жамоасига муносиб рақиб бўлиб, сермазмун ўйинла-
ри билан мутахассислару мухлислар кўнглини шод этган қар-
шилиқ қизлар жамоасига эса иккинчи ўрин насиб этди.

ТУРКИЯДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА
ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ ЭРРИ ВЕРБЕ
ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО
ТУРНИР ЎТКАЗИЛДИ.

ДИЛШОД ОРИПОВ— СОВРИНДОР

Унда жаҳоннинг кўпгина давлатларидан келган пол-
вонлар голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди.
Ушбу турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жа-
моаси аъзоси Дилшод Орипов 60 килограмм вазн то-
ифасида бронза медали совриндори бўлди. Терма жа-
моамизнинг бошқа аъзоларига эса совриндорлар са-
фидан жой эгаллаш насиб этмади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



— Ҳа қаяққа, дадаси?
— Бошим оғриятти, дорига чиқиб келай.

Абдурашул Ҳақимов чизган расм.

Мунажжим башорати ИЖОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ОМАДЛАР КҲНИ

16 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА
Кўёш тақвимининг 3-кунни бўлган бугун му-
сиқа тинглаш, мусикий ижод учун хайрли кун
бўлади. Ноёб ижодий изланишлар ҳамда
омадли молиявий амалиётлар бугун сизга хур-
сандчилик бахш этиши мумкин. Шу билан
бирга, Кўёшнинг Қовға буржидида бугунги
ҳолати ёмон улфатлар орасига тушиб қолиш
хавфи мавжудлигидан огоҳлантиради. Ахлоқ-
одоб чегараларидан чиқиб кетишдан ўзин-
гизни асранг, сабабсиз қўқувларни енгиб
ўтишга интилинг.

Ой сайёрасининг самодиа бугунги жойлаши-
ши инсонлар учун анча ноқулай келиб, бунда киши
табиатининг энг салбий жиҳатлари намоён бўла-
ди. Бинобарин, ҳатто ҳаёдан ҳам келажагингизни

режалаштиришингизнинг маъноси йўқ. Боз усти-
га, бугун ҳеч қандай янги ишга қўл уриш тавсия
этилмайди.

БҲҲҲ:

— оддий кундалиқ ишлар билан банд бўлиш;
— дастлабки якуний натижаларни сарҳисоб
қилиш;
— муҳим бўлмаган турмуш муаммоларини хал
этиш;
— қийин вазиятларда дўстларингиз, яқин ки-
шилариңгизга мурожаат қилиш;
— ҳар қандай ҳолатда оқилоллик ва мушоҳа-
да қобилиятингизни йўқотмаслик тавсия этилади.
Жиддий ҳатти-ҳаракатлар қилиш, масъулиятли
қарорлар қабул қилиш, бошқалар манфаатлари билан
боғлиқ муаммоларни яқка-ёлғиз хал этишга
интилиш, ўз ташаббусингиз билан исталган маж-
едаги раҳбарлар билан мулоқотда бўлишдан сақ-
ланг.



МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г- 107

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4398 нусхада босилади.
Қозғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига
мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6